

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019. ТАР.78.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВ АНВАР САЙПУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА
УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ
(тарихий таҳлил, 1991-2010 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Турсунов Анвар Сайпуллаевич

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида урбанизация жараёнлари
(тарихий таҳлил. 1991-2010 йй.).....5

Турсунов Анвар Сайпуллаевич

Урбанизационные процессы в южных областях Узбекистана
(исторический анализ. 1991 - 2010 гг.)23

Tursunov Anvar Saypullayevich

Urbanization processes south regions Uzbekistan
(historical analysis. 1991-2010 yy.)42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works46

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019. ТАР.78.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВ АНВАР САЙПУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА
УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ
(тарихий таҳлил, 1991-2010 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2018.1.PhD /Таг
246 билан рўйхатга олинган**

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.terసు.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим портали (www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Муртазаева Раҳбархон Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Ҳайитов Шодмон Ахмадович
тарих фанлари доктори.

Ирискулов Олимжон Жаҳонгирович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD).

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/30.12.2019.Таг.78.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» __ куни соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Термиз шаҳри, Баркамол Авлод кўчаси, 43-уй. ТерДУ, 2-бино 4-қават, Мажлислар зали). Тел.: (99876) 223-13-11; e-mail: termizdu@umail.uz.

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: Термиз шаҳри, Баркамол Авлод кўчаси, 43-уй.) Тел/факс: 03762217690

Диссертация автореферат 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.Т.Давлатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д, профессор.

Ҳ.Э.Холмўминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н, доцент.

Ш.Б. Шайдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда интеграциялашув жараёни урбанизациянинг ривожланишига ижобий таъсирини ўтказиб, ушбу ҳолат туфайли халқаро ташкилотлар томонидан “ақлли ва хавфсиз шаҳар” ҳамда экологик тоза ҳудудларни барпо этиш лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши шаҳарлашишга бўлган интилишнинг самарасига ижобий таъсир ўтказмоқда. Мазкур жараёнда ривожланган мамлакатларда урбанизация сиёсатига эътибор янада кучайиб, айрим ҳолатларда шаҳарларнинг кенгайиши ва аҳоли сонининг ўсишини ҳисобга олмаслик сингари вазиятлар юзага келганлиги боис шаҳар аҳолисининг демографик таркиби, миграция жараёнлари, экологик ҳолати, турмуш тарзи ва маданий тараққиёти билан боғлиқ муаммолар ўзининг объектив ечимини кутмоқда.

Дунёнинг етакчи олий ўқув юртлари ҳисобланган Франциянинг Лион 2 Люмьер, Чехиянинг Карлова, Япониянинг СОКА университетлари томонидан урбанизация жараёнлари тарихига доир тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, Термиз, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейлари натижасида жанубий ҳудудлардаги урбанизация жараёнларини илмий жиҳатдан ўрганиш тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бўлмоқда.

Янги Ўзбекистонда замонавий шаҳарсозликни жаҳон андозаларига мос ҳолда узоқ муддатли режали тизимини яратиш асосида жанубий шаҳарларда бошқа минтақалардан фарқ қилувчи хунармандчилик тармоқларини ривожлантириш, янги шаклланган саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг даромади ҳамда чет эл валюта тушумларидан мустақил фойдаланиш ҳуқуқи, “инфратузилма тармоқларидаги мавжуд муаммоларни ва аҳоли иш бандлигини бартараф этишга қаратилган ислоҳотлар жараёнида шаҳарлар бошқарувининг барча соҳаларига қаратилган ишларни мустаҳкамлаш”¹ каби вазифалар белгиланган. Шаҳарларда содир бўлган урбанизация жараёнлардаги ижобий ўзгаришларни тадқиқ этиш тадқиқотнинг заруратини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сон “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2005 йил 14 июлдаги ПҚ-120-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ-2660-сон “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлар тўплами, 2017 йил., 6-сон, 70 модда, 20-сон, 354 –модда, 23-сон, 448-модда.

хужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда, шу жумладан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида урбанизация тарихига бағишланган тадқиқотларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи гуруҳга совет даврида яратилган асарлар бўлиб, уларда қадимдан то XX аср бошларигача бўлган урбанизацион жараёнлар таҳлил қилинган. Бундай асарлар жумласига С.Кононенко, С.Ковалев, З.Акрамов, О.Ата-Мирзаев, С.Зиёдуллаев ва бошқа муаллифларнинг асарларини киритиш мумкин.

Иккинчи туркум адабиётлар эса, мустақиллик йилларида урбанизация жараёнларига доир тарихшунослик изланишлари янгича назарий-методологик асосда амалга оширилган.

Мавзу режаси юзасидан муаммонинг ўрганилганлик даражаси мазкур тадқиқотнинг тарихшунослик қисмида махсус тадқиқ этилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг АТД-1 “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: муносабатлар ва қарашлар” (2015 – 2021) мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида урбанизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, табиий-ҳудудий жойлашуви, инфратузилмаси, иқтисодий ҳолатларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон жанубидаги шаҳарларнинг ривожланиши, шаҳар аҳолисининг ўсиш динамикаси ва унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;
шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини тарихшунослик контекстида ўрганиш;

жанубий ҳудудларнинг шаҳарсозлик маданиятидаги анъанавийлик ва трансформацион хусусиятларнинг уйғунлашувини ҳамда ушбу жараённинг умумий ва локал хусусиятларини асослаш;

жанубий вилоятлар шаҳарларини республиканинг бошқа минтақаларидаги шаҳарлар билан таққослаш асосида мамлакат шаҳарсозлик маданиятида қўлга киритилган ютуқлар ва тўпланган тажрибаларни умумлаштириш;

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги урбанизация жараёнларида шарқона ва замонавий услубларни қўллашнинг ижобий томонлари ҳамда халқаро шаҳарсозлик тажрибаларидан фойдаланиш ва унинг

афзалликларини асослаш;

жанубий вилоятлар шаҳарларининг иқтисодий ривожланиши, саноат корхоналарининг бунёд этилиши ва уларнинг фаолияти, маиший хизмат тармоқларнинг ривожланиш омилларини тадқиқ этиш;

ўрганилаётган шаҳарлардаги урбанизация жараёнларининг мактабгача таълим, мактаб, ўрта ва олий таълим тизими, маданият ва санъат муассасаларининг фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш;

шаҳарларда янги, халқаро талабларга жавоб берадиган уй-жой, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг қурилиши уларнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини кўтариш борасида олиб борилаётган тизимли ишларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари урбанизацияси тарихи ва унинг минтақага таъсири белгиланган.

Тадқиқот предметини Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида урбанизацион шаҳарлар тараққиёти асосида ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий соҳаларда бўлган ўзгаришлар, шунингдек шаҳарсозлик маданиятидаги анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритиш жараёнида тарихий ёндашув ва қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, ҳудудий-муаммовий ёндашув ва комплекс-статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон жанубий шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши географик омилга боғлиқлиги, республиканинг бошқа шаҳарлари билан таққослаганда қуруқ иқлими, сунъий суғорма деҳқончиликка асосланганлиги, савдо алоқаларининг ва ҳунармандчилик тармоқларининг кенглиги, йирик дарёлар ва тоғ ёнбағирларида жойлашуви билан фарқ қилганлиги очиб берилган;

минтақада экологик мувозанатнинг бузилиши оқибатида мустақилликнинг дастлабки йилларида шаҳарлар аҳолисининг 32 фоизи ичак ва жигар касалликларига дучор бўлганлиги, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналаридан олинган даромаддан мустақил фойдаланиш ҳуқуқи мустақиллик йилларида қўлга киритилганлиги аниқланган;

минтақа шаҳарлардаги ижтимоий-иқтисодий маданий ривожланиши учун совет даврида маблағ етишмаслиги, ичимлик суви, табиий газ билан деярли таъминланмаганлиги, энергия ва қурилиш имкониятларни чекланганлиги, жаҳон андозаларга мос ахборот-коммуникация тармоқларни ночорлиги, хўжасизлик, лойқайдлик ва бепарволик иллатларни бартараф этишда мустақиллик йилларида инновацион янгиликларни жорий қилиш омиллари далилланган;

минтақа шаҳарлардаги халқ таълими, маданият соҳаси ривожигаги тўсиқлар, уларни капитал таъмирга муҳтожлиги, ёш мутахассисларга, соғлом авлод тарбиясига эътиборсизлик, ўта кучли иссиқлик туфайли гепатит, ўпка, сил, руҳий касаликларни олдини олиш мақсадида тиббий хизматларни ночорликда олиб чиқиш сабаблари, экологик вазиятни бартараф этиш ҳамда

мустақиллик йилларида меъморчилик, бахшичиликнинг ривожланишга эътибор, замонавий жаҳон андозаларига мос уй-жойларни қурилиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳисобланган Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида урбанизация жараёнларининг тарихий таҳлили асосида шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини ўрганишга, шунингдек, урбанизация жараёнларига оид яратилган махсус адабиётлар, архив жамғармалари, тарихий, илмий оммабоп мақолалар ҳамда матбуот манбалари, янги илмий назарий қарашларни бойитишига хизмат қилиши асосланган;

минтақадаги урбанизацион жараёнлар ижтимоий - иқтисодий, тарихий - маданий ва савдо-сотик тараққиётида муҳим ўрин эгаллаши, унинг ривожланиш босқичларига хос бўлган сиёсий усқуртмалар, маориф тизими ва шаҳарлар инфратузилмасининг ривожланишида асосий роль ўйнаганлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, ишда ишончли тарихий манба ва архив материалларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича эълон қилинган маълумотлар натижалари республика ва халқаро конференцияларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон ОАК томонидан тавсия этилган журналлар ва чет давлатлардаги илмий журналларда чоп этилганлиги, амалий натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот илмий натижалари жанубий вилоятлардаги шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида урбанизация даражасининг ўрнини ҳолати ва муаммолари тўғрисида монографиялар, қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Амалий аҳамияти шундаки, ундаги маълумотлар Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тадбиркорлик ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида махсус курслар ташкил этиш, илмий-амалий лойиҳалар асосида фундаментал асарларни яратиш, шунингдек, дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлашда кенг фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида урбанизация жараёнларининг тадқиқ этилиши бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги шаҳарлар ва шаҳарчаларда савдо алоқаларининг кенгайиши, хунармандчилик тармоқларининг ривожланиши, шаҳар маданияти ва шаҳарликлар турмуш тарзининг қишлоқларга ҳам кенг ёйилишига оид маълумотлардан “Ўзбекистон тарихи” телеканалда эфирга узатилган “Тақдимот” кўрсатувининг сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 20 мартдаги 02–90-623- хати билан тасдиқланган). Тадқиқот натижалари асосида жанубий вилоятларда

жойлашган шаҳарлар ҳаётини замон талаблари асосида яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар ечимини кенг оммага тақдим этиш имконияти яратилган;

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари шаҳарларида жойлашган йирик саноат корхоналари совет ҳукмронлиги даврида тўғридан-тўғри иттифок министрликларига бўйсундирилиши ҳамда шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг Марказ манфаатларига хизмат қилганлигига оид материаллардан Термиз давлат музей-қўриқхонаси, Қарши давлат музейларининг совет даврига оид экспонатларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 15 июнь 3-№-04-12-04-2938- хати билан тасдиқланган). Тақдим этилган материаллар Ўзбекистон жанубидаги шаҳарларнинг собиқ совет давридаги ҳолати ва мустақиллик йилларидаги таркибий ўзгаришларга оид тасаввурларни бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари жами 50 та чоп этилган ишда, жумладан, ОАК томонидан тавсия этилган Республика ва чет эл илмий журналларида чоп этилган 7 та мақола, шунингдек, 43 та тезис ва мақолаларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг умумий ҳажми. Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ҳамда адабиётлардан иборат. Диссертация матнининг умумий ҳажми 138 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалари, даврий чегараси, тадқиқот методлари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси, манбавий асослари ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбекистон жанубий вилоятларида урбанизация жараёнларининг ўрганилиш тарихи ва минтақа шаҳарлари тавсифи**» деб номланади. Унинг «Урбанизация жараёнларининг тарихшунослиги» деб номланувчи биринчи параграфида урбанизация жараёнларининг тарихшунослиги таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ўрганилишига доир тадқиқотларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳга оид совет даврида яратилган асарларда жамият тараққиёти тарихининг турли давларида шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлганлиги қайд этилади. Бу даврда олиб борилган кенг кўламли археологик қазишлар натижасида тадқиқотчи олимлар илк шаҳарларнинг вужудга келиши, унинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётда тутган ўрни, архитектура, қурилиш, ҳарбий истехкомлар, суғориш тизими,

маданияти ҳамда ижтимоий турмуши ҳақида асарлар яратилди².

Н.У.Туляганованинг ишида Ўзбекистон шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, шаҳарларда саноат корхоналарининг ташкил топиши, уларнинг урбанизацион ҳолатга таъсири, жумладан, 180 та шаҳарнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги илмий таҳлил этилган. Шунингдек, ушбу ишда Ўзбекистон шаҳарларининг чет эл мамлакатлари шаҳарлари билан иқтисодий алоқалари ва унинг шаҳар маданий ҳаётидаги ўрни илмий таҳлил этиб берилган³.

1970-1980 йилларда Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари тарихига оид қатор рисола ва монографиялар яратилди⁴. Совет даврида ташкил топган янги шаҳарлар илмий тадқиқот объектига айланиб, бу соҳада бир қатор номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди⁵. Улардан, М. Аликуловнинг номзодлик диссертацияси алоҳида аҳамиятга эгадир⁶. Унда 1940-1970 йилларда Термиз шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий, маданий аҳволи, янги саноат корхоналарининг вужудга келиши, илмий-техникавий тараққиёти, социалистик халқ таълими, маданий-оқартув муассасалари, шаҳар хўжалигининг ривожланиши, меҳнаткашларнинг моддий-турмуш даражасининг ўсиши каби масалалар ёритиб берилган. Бироқ, ушбу номзодлик диссертацияси коммунистик мафкура руҳида ёзилган бўлиб, тарихий воқеа-ҳодисалар Марказ манфаатларига мослаштириб, бўрттириб кўрсатилган.

Иккинчи гуруҳ адабиётларига мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида яратилган тарихий асарлар киради. Ушбу асарлар минтақада шаҳарсозлик маданиятнинг шаклланиши ва урбанизация жараёнларининг тарихий жиҳатларини очиб берганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, А.Асқаров, Т.Ширинов, Э.Ртвеладзе, А.Набиев, О.Жўракулов, Ж.Эргашева, А.Бердимуродов, М. Самибоев, А.Мирзааҳмедов, М.Пардаев ва А. Пардаевлар шаҳарлар тарихи, уларнинг демографик таркиби, меъморий обидалар, шаҳарларнинг савдо-сотик ривожигаги ўрни, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуши, шаҳарлар бошқарувидаги маъмурий ва

²Денике Б.Л. Термез. «Новый Восток», 1928. №22; Массон М.Е. Городище старого Термеза и их изучения. «Труды УзФАН», сер. 1, 2. 1939; Он же. Термезская археологическая комплексная экспедиция (ТАКЭ) 1936-37 гг. // Социалистическая наука и техника. 1938. №7; Луний К. К истории города Термез // «Исторический журнал». – Москва, 1944. Кн. 4.

³ Туляганова Н. У. Становление и развитие движения породненных городов в Узбекистане (1961 - 1985 гг). Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Ташкент, 1988.

⁴ Гулямов А. Ангрен. – Тошкент: Ўзбекистон, 1971; Гулямов А. Ангрен. – Ташкент: Узбекистан, 1971; Аббосов Б., Рахимов М. Бекабад. – Ташкент: Узбекистан, 1975; История новых городов Узбекистана. (Ташкентская область). – Ташкент: Фан, 1976; Зухритдинов Ш. Социальный прогресс городов. – Ташкент: Узбекистан, 1976; Аббосов Б., Рахимов М. Бекобод. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975; История новых городов Узбекистана (Ташкентская область) – Ташкент: Фан, 1976; Зухритдинов Ш. Социальный прогресс городов. – Ташкент: Узбекистан, 1976; Возникновение новых городов и их роль в строительстве социализма в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1982.

⁵ Рахимов М. История основания и развития социалистического города Бекабада (1942-65 гг). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1965; Азизова Н. Х. История основания и развития социалистического города Янгиюля (1934-65 гг.) Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Ташкент, 1973; Турсунов С. Н. История развития новых социалистических городов Узбекистана Денау и Шерабада. Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Ташкент, 1985.

⁶ Аликулов М. История развития социалистического города Термеза (1946-1975 гг). Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Ташкент, 1979.

хуқуқий тизим ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бордилар. Ушбу тадқиқотларда Ўзбекистон жанубидаги қадимги Кеш, Қарши, Термиз, Денов, Шеробод ва Бойсун каби шаҳарларнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни тарихий манбалар асосида холисона таҳлил этилган⁷.

Мустақиллик йилларида яратилган асарларда Сурхондарё ва Қашқадарё ҳудудларига хос урбанизацион жараёнлар шаҳарларнинг мамлакат иқтисодий ва маданий тараққиётидаги ўрни, демографик ҳолати, миллий таркиби, ички ва ташқи туризм равнақида тутган ўрни каби жиҳатлар таҳлил этилган⁸.

3. Ш. Даминовнинг тадқиқотида эса урбанизация жараёнлари Термиз шаҳри мисолида илмий жиҳатдан асосланган. Унда Россия империяси ва Совет даврида Термиз шаҳрининг иқтисодий аҳволи, шаҳар ҳаётидаги ўзгаришлар, маданий, маиший ижтимоий - турмуш билан боғлиқ воқеалар таҳлил этилган⁹.

Б.Ж.Эшовнинг шаҳарлар тарихига оид дарслигида юртимиздаги кўҳна шаҳарларда содир бўлган урбанизация жараёнлари, уларнинг ривожланиш босқичлари муаммолари, шаҳарларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий марказлар билан узвий алоқада тараққий этганлиги ҳақида тарихий маълумотлар баён этилган¹⁰. Сурхондарё вилояти шаҳарлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихини ўрганиш бўйича С.Н.Турсуновнинг илмий ишлари муҳим аҳамиятга эга¹¹. Шу билан бирга, Ўзбекистонда шаҳарлар тарихи, шаҳарларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётини акс эттирувчи илмий асарлар, рисолалар ва мақолалар

⁷ Аскарлов А.А. Социальная структура раннесредневекового Согда и ее отражение в типах расселения // Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. – Самарқанд, 1993; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Самарқанд, 1993; Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь. – Ташкент: УЗМЭ, 1999; Набиев А. Тарихий ўлкашунослик. – Тошкент, 1996; Жўрақулов О., Эргашева Ж. Қашқадарё саноати тарихи. – Қарши: Насаф, 1996; Бердимуродов А.Э., Самибоев М. Кофирқалъа – карвон йўлидаги шаҳар // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. – Самарқанд, 1994.; Мирзааҳмедов А. Ўзбекистон ССР да урбанизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари. – Тошкент: Билим, 1991; Қашқадарё вилояти географияси. – Қарши, 1994; Пардаев М., Пардаев А. Жиззах Ўрдаси // Қадимий Қарши – Ўрта Осиё шаҳарсозлиги ва маданияти тарихи. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Қарши: Насаф, 1999.

⁸ Аскарлов А.А. Энг қадимги шаҳар. – Тошкент: Маънавият, 2001; Анорбоев А. Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона ва Ахсикент. – Самарқанд, 2001; Мавлонов Ў., Маҳкамova Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Тошкент, 2002; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко - демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Ташкент: Университет, 2002; Сулейманов Р.Х. Сагдуллаев А.С. Сложение и развитие урбанизированной культуры Кеша в древности и средневековье // Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. – Тошкент, 2002; Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2002; Пугаченкова Г.А. Это было недавно, это было давно. Из воспоминаний участника ТАКЭ 1938 г. – Москва, 2003. № 4; Равшанов П. Қашқадарё: истиқлол арафасида. 1986-89 йиллар. – Тошкент, 2003; Мавлонов У. Қарши в системе трансрегиональных связей Среднеазиатского междуречья. // Ижтимоий фикр. Общественное мнение. №2, 2005; Ртвеладзе Э. В. Историческое прошлое Узбекистана. – Ташкент: Зар – Қалам, 2005; Раҳмон Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий - рун ёзувлари. – Тошкент, 2006; Қарши асрлар оша. // Фан ва турмуш. 2006, №5; Материалы Тохаристанской экспедиции. // Под ред. Э.В. Ртвеладзе. Вып. I - V. – Ташкент, 2001-2006.

⁹ Даминова З.Ш. XIX аср охири – XX асрда Термиз шаҳри тарихи. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2004.

¹⁰ Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2008.

¹¹ Турсунов С. Н. Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш. – Тошкент: А.Қодирий нашриёти, 1997; Сурхондарё тарих кўзгусида (хаммуаллифликда) – Тошкент: Шарқ, 2001; Термизий буюк сиймолар. – Тошкент: Шарқ, 2002; Қадимий ва навқирон Термиз // Фан ва турмуш. 2001. №4; Чор Россияси даврида Сурхон воҳасида суғориш тизими (илмий тўплам). – Термиз, 2000.

яратилди. Уларда шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тараққиёт жараёнлари тарихий назаридан таҳлил этилган¹².

Шунингдек, Р.Муртазаеванинг тадқиқотларида халқларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, миллий хусусиятлар, тил, маданий ва диний анъаналарининг уйғунлигини шакллантириш, этник толерантлик масалаларини ижобий ҳал этиш ва унинг тарихий асосларини ўрганиш масаласи илмий таҳлил этиб берилган¹³.

Ишга жалб қилинган иккинчи гуруҳ адабиётларнинг баъзилари асосан қадимий шаҳарлар саналган Қарши, Шаҳрисабз ва Термиз шаҳарларининг тарихига бағишланганлиги билан характерланади¹⁴. Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан нашр этилган «Шаҳрисабз қасидаси»¹⁵, Қашқадарёнинг ибратли оилалари, фидойи қизлари ҳаётини ўзида акс эттирган «Насаф табассуми»¹⁶, Қашқадарё вилоятининг 50 йиллик тўйига бағишланган «Насаф нафаси»¹⁷, «Насаф ва Кеш алломалари (IX-XX асрлар)»¹⁸ китоблари шулар жумласидандир.

Биринчи бобнинг «**Ўзбекистон жанубидаги урбанизация жараёнлари тарихига умумий тавсиф**» номли иккинчи параграфда Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги шаҳарлар ва шаҳарчаларда юз берган урбанизацион жараёнлар ўрганилган. Жанубий ҳудудларда илк шаҳарларнинг сунъий суғорма деҳқончилиги асосида пайдо бўлганлиги қадимги Термиз, Денов, Қарши, Шеробод шаҳарлари мисолида таҳлил этилган. Савдо алоқаларининг кенгайиши, ҳунармандчилик тармоқларининг ривожланиши, сув ҳавзаларига яқин унумдор ерларнинг тўлиқ ўзлаштирилиши шаҳар маданиятининг гуллаб-яшнашига олиб келди. Шаҳарларнинг маданияти ва шаҳарликларнинг турмуш тарзи қишлоқларга ҳам кенг ёйилди¹⁹.

¹² Хасанов М.Х. Развитие торговли в Узбекской ССР в одиннадцатой пятилетке. – Ташкент, 1983; Кабулов Э.А. История развития легкой и пищевой промышленности в южных областях Узбекистана в 1946 - 1960 гг. Опыт и проблемы. Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Самарканд, 1994; Каршиев Р.М. Экономическое и социально - культурное развитие г. Навои: Опыт и проблемы (1958 - 1990 годы). Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Андижон, 1996; Эшов Б.Ж. История и культура Согдианы VII - VI вв. до нашей эры. Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Ташкент, 1999; Турсунова Р. Ю. Городское самоуправление в Туркестане (1877-1918). Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Ташкент, 2000; Тўхтаев А. Қ. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни «Социалистик» асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари. (1917 - 1941 й). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган Автореферат. – Тошкент, 2001; Ўроқова Н.С. Ўзбекистон мустақиллик даврида саноат соҳасидаги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни (жанубий вилоятлар мисолида) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Тошкент, 2004; Хаитова О.С. Кармана шахрининг Бухоро хонлиги ижтимоий - сиёсий ва маънавий ҳаётида тугган ўрни. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Тошкент, 2004; Ҳасанов А.М. XVI - XIX асрларда шаҳарсозлик ва меъморчилик (Қашқадарё вилояти мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Тошкент, 2008.

¹³ Муртазаева Р. Экономика – основа интернационального единства. – Ташкент: Узбекистан, 1989. Ўша муаллиф. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Тошкент: Университет, 2007.

¹⁴ Шаҳрисабз – 2700. Минг йиллар мероси. Альбом (рус - ўзбек тилларида). – Тошкент: Шарқ, 2002. Термиз – буюк йўллар чорраҳасида кўхна ва янги шаҳар (Альбом). – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 110; Қарши – 2700. – Тошкент: Маънавият, 2006.

¹⁵ Шаҳрисабз қасидаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.

¹⁶ Ашурова Ш. Насаф табассуми. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.

¹⁷ Йўлдошев Б. Насаф нафаси. – Қарши: Насаф, 1992.

¹⁸ Муҳаммад Н. Насаф ва Кеш алломалари (IX – XX асрлар). – Тошкент, 2006.

¹⁹ Анорбоев А. Ўзбек давлатчилиги тарихида Фарғона ва Ахсикент. – Самарканд, 2001.

Тадқиқотлар жараёнида жанубий вилоятлардаги Муборак, Косон, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон шаҳарлари, шунингдек, Шарғун, Сариосиё, Узун каби шаҳарчалардаги экологик мувозанатнинг ҳолати ўрганилди. Ушбу шаҳарлардаги экологик мувозанатнинг бузилиши совет даврида бошланди. Масалан, Муборак шаҳрида газ ҳиди тарқалишини олдини олмаслик, кеч соат 22 дан кейин қайта ишлаш натижасида ёқилмай қолган газларни очиқ ҳавога қўйиб юборилиши туфайли шаҳар аҳолисининг 32 фоизи ичак ва жигар касалликларига дучор бўлди. Шаҳар ичи ва атрофидаги яшил табиат жиддий зарар кўрди. Боғларнинг 75 фоизиди ҳосилдорлик $\frac{3}{1}$ қисмга камайтиди²⁰. 1987-1998 йилларда Косон ва Қарши шаҳарлари атрофида сув тансиқлиги туфайли зоогеографик муҳит бузилган. Шўртан газни қайта ишлаш корхонасида газ ҳавосини тозалайдиган ускуналарнинг эскирганлиги, замонавий асбоб-ускуналар етишмаслиги оқибатида Қарши ва Ғузор атрофидаги табиатга ва аҳоли саломатлигига жиддий зарар етказилди²¹. 2000 йилдан кейин Қарши, Шаҳрисабз, Термиз, Бойсун каби шаҳарларда ички ва ташқи туризмнинг шаклланиши, ушбу шаҳарларда халқаро спорт мусобақаларининг ташкил этилиши уларни ЮНЕСКОнинг маданий мерос объектларига киритиш имконини берди²².

Тадқиқотлар жараёнида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг маъмурий-ҳудудий тузилиши, аҳолиси, шаҳар ва шаҳарчаларини ўрганиш лозим бўлди. Жумладан, Сурхондарё вилоятида 8 шаҳар - Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Термиз, Шарғун, Шеробод, Шўрчи, Қумқўрғон, 7 шаҳарча Ангор, Дўстлик, Какайди, Сариосиё, Сарик, Элбаён бекати, Ҳуррият бор. Аҳолиси, 2010 йилда 2110412 минг, жумладан шаҳар аҳолиси 782852 минг кишини ташкил этган²³.

Қашқадарё вилоятида 12 шаҳар - Бешкент, Китоб, Косон, Муборак, Таллимаржон, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Янги Нишон, Қамаши, Қарши, Ғузор, 4 шаҳарча - Деҳқонобод, Мироқи, Эски Яккабоғ, Қашқадарё бор. Аҳолининг ўртача зичлиги 2010 йилда 1 км² га 83,7 кишига тўғри келган. Шаҳар аҳолиси эса 587,5 минг киши эди²⁴.

Жанубий шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиши аввало географик омилга боғлиқ бўлган. Республиканинг Фарғона, Наманган, Андижон, Тошкент, Самарқанд шаҳарлари билан таққослаганда аввало қуруқ иқлими, тупроқ таркиби ҳамда йирик дарёлар ва тоғ ёнбағирларида жойлашуви билан фарқланади. Энг муҳими, Термиз, Шеробод, Денов, Шаҳрисабз, Қарши, Ғузор каби шаҳарлар қадимдан илк ўзбек давлатчилигини ташкил топишида муҳим ўрин тутган²⁵.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, урбанизацион жараёнлар

²⁰ Турсунов А. С. Жанубий шаҳарларнинг экологик ҳолати: муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. // Жанубий Ўзбекистон тарихи, археологияси, этнологияси янги манбаларда. Республика илмий конференция тўплами. – Қарши, 2015.

²¹ Қашқадарё вилоят давлат архиви, 95-фонд, 1-рўйхат, 37-ҳужжат, 21-варақ.

²² Қашқадарё вилояти маданият ва спорт бошқармаси жорий архиви, 2010 йил. – Қарши, 6-баённома. – Б. 16.

²³ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. 2010 йил. – Б. 73.

²⁴ Қашқадарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. 2011. – Б. 23.

²⁵ Шаҳрисабз – 2700. Минг йиллар мероси. Альбом. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 17-18;

жамият тараққийетининг муҳим асоси ҳисобланиб, ижтимоий-иқтисодий, тарихий - маданий ва савдо-сотик муносабатларининг ривожланиши асосида юзага келади. Қадимги даврдан то мустақиллик йилларигача бўлган урбанизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, шаҳарлар тараққийетига тўсиқ бўлган омилларни аниқлаш ва уларни таҳлил этиш урбанизация тарихидаги кемтикликни тўлдиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Жанубий вилоятлар шаҳарлари инфратузилмасининг тараққийети: ютуқ ва муаммолар»** деб номланади. Унинг «Жанубий вилоятлар шаҳарларининг классификацияси» деб номланувчи биринчи параграфиди мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарининг барпо этилиши илмий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Таъкидлаш жоизки, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари шаҳарларида жойлашган йирик саноат корхоналари совет ҳукмронлиги даврида тўғридан-тўғри иттифоқ министрликларига бўйсундирилган бўлиб, республика раҳбарияти розилигисиз, барча маҳсулотлар ва бойликлар марказга ташиб кетиларди. Улардан тушган даромад Марказга тегишли эди. Саноат корхоналарининг чет мамлакатларга маҳсулот чиқариши натижасида олинган валюта тушумларига ҳам Марказ хўжайинлик қилган. Республика аҳолиси ўз саноат корхоналаридан олинган даромаддан мустақил фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Натижада, Ўзбекистон жанубидаги шаҳарларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти, шу жумладан, кадрлар тайёрлаш тизими Марказ манфаатларига мослаштирилиб, бир томонлама тараққий этди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида шаҳарларда малакали мутахассисларни тайёрлашда юзага келган камчиликларни бартараф этиш долзарб вазифага айланди. Чунки, шаҳарларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг ривожини миллий кадрлар салоҳияти билан боғлиқ эди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг жуда катта салоҳиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, республикада ҳукумати мазкур минтақаларни ривожлантириш учун бор куч-имкониётларини ишга солди. Айниқса, ушбу вилоятлардаги тарихий шаҳарларни анъанавийлик ва замонавийлик асосида ривожлантириш давлатнинг диққат марказида турибди.

Ана шундай тарихий шаҳарлардан бири, жаҳон цивилизациясида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган Термиз шаҳри Ўзбекистоннинг жанубий қисмида, Амударёнинг чап соҳилида, денгиздан ўртача 310 м баландликда жойлашган. Афғонистон билан чегарадош. Термиз шаҳридан Тошкентгача бўлган масофа 708 километрни ташкил қилади. Шаҳар майдони 27,8 км², аҳолиси 2010 йилда 132910 кишидан иборат бўлган²⁶. Термиз шаҳрида Халқаро аэропорт, темир йўл станцияси ва Республикадаги ягона дарё порти жойлашган. 1999 йил Термиз шаҳрида «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, 2002 йилда Термизнинг 2500 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. 2014 йил ноябрда Термиз шаҳри «Амир Темур ордени» билан мукофотланди.

²⁶ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. 2-китоб. 2004. – Б. 90.

Мустақиллик йилларида Қарши шаҳри ҳам жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Қаршининг жаҳон маданий тараққиётида тутган ўрни инobatга олиниб, 2006 йилнинг 27 октябрида ЮНЕСКО ҳамкорлигида 2700 йиллик юбилейи нишонланди. Қашқадарё вилоятидаги яна бир қадимги шаҳар – Шаҳрисабздир. Тарихий манбаларда Кеш номи билан тилга олинган. Шаҳрисабз кўплаб улуғ аждодларимиз, шу жумладан, Соҳибқирон Амир Темур туғилган диёрдир. Шаҳарда Амир Темур ва темурийлар даврига оид бир нечта тарихий иморат сақланиб қолган. Шаҳрисабз шаҳри Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати 1996 йил октябрда «Амир Темур ордени» билан мукофотланган²⁷. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 29 мартда «Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида» ги қарор қабул қилинди. 2002 йил ноябрь ойида ушбу юбилей бутун мамлакатимиз ва Шаҳрисабзда кенг нишонланди. Бу тантаналарда ЮНЕСКО вакиллари ҳам қатнашди. Шаҳрисабз 2002 йил декабрда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси объектлари рўйхатига киритилган.

Умуман олганда, шаҳарларда кўплаб анжуманлар ва илмий конференциялар ўтказилиши сабабли зиёратгоҳлар, тарихий ва археологик объектларни консервациялаш, таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш каби тадбирлар амалга оширилганлиги минтақада шаҳарсозлик маданиятининг ривожига муҳим ўрин тутди.

Иккинчи бобнинг «**Мустақиллик йилларида Сурхондарё ва Қашқадарё шаҳарлари инфратузилмасидаги ўзгаришлар**» номли иккинчи параграфида СССР тарқалиши арафасида Республика жанубий шаҳарлари саноатининг ҳолати таҳлил қилинади. 1988 йилда Ўзбекистонда 1623 та саноат корхонаси бўлиб²⁸, шундан 92 таси Сурхондарё шаҳарларида жойлашган эди. Ўзбекистон жанубий шаҳарларидаги саноат корхоналарининг 30 таси 1987 йилда меҳнат унумдорлигини ошириш режаларини бажара олмаган. 1988 йилда ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1987 йилга нисбатан камайиб кетган²⁹.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, шаҳарларнинг иқтисодий ҳаётида ўзгаришлар яққол кўзга ташлана бошлади. Биргина, Қашқадарё шаҳарларида 93 та асосий ва 743 та ёрдамчи саноат корхоналари ташкил этилди. Саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1782 млн. сўмга ошди. Сурхондарё вилояти шаҳарларидаги саноат корхоналарида эса ишловчи ишчилар сони 29961 кишини, асосий саноат корхоналарида ишловчиларнинг сони 20201 кишини ташкил этди³⁰.

2000 йил 1 апрель ҳолатига кўра, Қашқадарё шаҳарларида 12475 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатдан ўтган. Шулардан 712 таси ўрта корхоналар, 1803 таси кичик корхоналар ва 9960 тасини микрофирмалар

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Қашқадарё вилояти филиали жорий архиви. И 829-фонд, 10-рўйхат, 82-иш, 31-34-варақлар.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. Комуслар бош таҳририяти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 231.

²⁹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г. – Ташкент: Узбекистан, 1989. – С. 162.

³⁰ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. 1992 йил, 2-китоб. – Б. 68.

бўлган. Уларда ишловчилар сони 87,1 минг кишини ташкил этган³¹. 2000 йилда қайта ишланган газ 27324 млрд. м³, олтингугурт ишлаб чиқариш 217.5 минг тонна, барқарорлаштирилган конденсат ишлаб чиқариш 556 минг тонна, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш 13.5 минг тоннани ташкил этди³².

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, урбанизацион жараёнларни илмий таҳлил этишда мустабид тузумга хос бўлган бир томонлама коммунистик мафкурадан воз кечиш муҳим масала бўлиб қолди. Шу билан бирга, мустақиллик йилларида ишлаб чиқаришга яроқсиз бўлиб қолган эски технологиялар ўрнига илғор технологияларни жорий этиш долзарб вазифага айланди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон жанубидаги шаҳарларда ижтимоий-маданий ислохотлар ва уларнинг натижалари**» деб номланган учинчи бобининг биринчи параграфи «**Шаҳарларда ижтимоий-маиший ислохотлар ва уларнинг натижалари**» деб аталади. Унда истиқлол арафаси ва мустақилликнинг биринчи йилларида ижтимоий ҳаётда юзага келган қийинчиликлар ва мураккаб масалалар кўриб чиқилган. Ижтимоий муносабатлардаги муаммолар нафақат Ўзбекистонда, балки СССРнинг барча республикаларида кўзга ташланди. Маблағ етишмаслиги натижасида Совет Иттифоқи миқёсидаги кўпгина режалаштирилган ишлар амалга оширилмай қолар эди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йилги 275-сонли «Аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш» тўғрисидаги қарори айтарли бажарилмади. Истиқлол арафасида бу одатий ҳолга айланган эди³³.

Мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос тарзда шаҳар инфратузилмасини шакллантириш алоҳида эътиборга молик масала бўлиб қолди. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда намунавий уйларнинг лойиҳаларини такомиллаштириш, энергияни тежайдиган технологияларни қўллаш, замонавий ва арзон қурилиш материалларидан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилди. Истиқлолнинг илк йиллардан оқ аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан зарур чоратadbирлар кўриб борилди. Шу мақсадда, миқдори мунтазам ўзгартириб турилган иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар, компенсация тўловлари тарзидаги пул тўловлари кенг қўлланилди. 1991 йилда Сурхондарё вилояти шаҳарларида аҳолини табиий газ билан таъминлаш атиги 13,6 фоиз эди. 2000 йилга келиб, 55,5 фоизга етди, ичимлик суви билан таъминлаш 50 фоиз атрофида бўлган бўлса, 2010 йилда 75,4 фоизни ташкил этди³⁴.

Мустақиллик йилларида урбанизация жараёнларини жадал ривожланишида асосий омил бўлган ахборот-коммуникация тармоқларининг кириб келиши совет давридан тубдан фарқ қилувчи имкониятларни юзага келтирди. Жаҳондаги юксак ривожланган АҚШ, Япония, Корея, Германия,

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Қашқадарё вилояти филиали жорий архиви. И 829-фонд, 10-рўйхат, 94-иш, 45- варақ.

³² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т:Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. 6-жилд – Б. 108.

³³ Сурхондарё вилоят Давлат архиви. 45 –фонд. 2 – рўйхат, 18 – иш, 17 - варақ.

³⁴ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. 1991 – 2010 йиллар. – Термиз. 36-варақ.

Хитой каби мамлакатларнинг алоқа хизмат турлари жанубий худудларга ҳам кириб келди. МТС, Ucell, Билайн, Ўзтелеком каби телефон компаниялари аҳолига хизмат кўрсата бошлади, Nokia, Motorola Samsung сингари уяли телефонлар ишлатила бошланди. Қарши, Шаҳрисабз, Муборак, Китоб, Косон, Чироқчи, Яккабоғ, Ғузур, Термиз, Денов, Шеробод, Бойсун, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Шарғун каби шаҳарларда жаҳон андозаларига мос энг янги телефон станциялари қурилиб ишга туширилди. Термиз ва Қарши шаҳарларида телеграф-телефон станцияси ва телефон тармоқлари оптик толали қувурларга уланди. Уларнинг фаолиятини «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бошқариб турди³⁵.

